
Ўзбекистон тумани ҳокимига янги ўринбосар тайинланди

Саримсақова Зулфия Тўйчиевна Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланди.

Зулфия Саримсақова 1970 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. 1992 йилда Қўқон давлат педагогика институтини тамомлаган. 1992-2003 йилларда Ўзбекистон тумани 49-умумий ўрта таълим мактабида рус тили фани ўқитувчиси, 2003-2009 йилларда эса шу мактабнинг директор ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

2009 йилдан тайинловга қадар Ўзбекистон тумани 10-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келаётган эди.

2022-03-26 23:36:36